

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Асака тумани

2023 йил 08 июнь

Асака туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.С.Юлдашев, раислигида, У.Қамбаралиевнинг котиблигида, аризачи [REDACTED] чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни, аризачининг вакили Ж.Хожиев (ишончнома асосида) иштирокида, жавобгарнинг вакили иштироксиз, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил ноябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи белгиланган муддатга қадарли топширилмаганлиги сабабли, [REDACTED] чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суднинг ажрими билан аризани иш юритишга қабул қилиниб, аризани кўриб чиқиш суд мажлисига тайинланган.

Жавобгарнинг суд мажлиси ҳақида гибрит почта орқали хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисида иштирок этмади ва аризачининг талабларига эътирозини билдирмади.

Суд мажлисида аризачининг вакили аризани қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд, аризачи вакилининг кўرғазмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Ушбу Кодекснинг 259-моддасига кўра, фойда солиғи бўйича бир ой солиқ давридир.

Мазкур Кодекснинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида



турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнанинг йигирманчи кундан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Бироқ, иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар 2022 йил ноябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ хизмати органига ҳисобот тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини англатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

электрон хабарномасида жавобгарга солиқ ҳисоботини белгиланган муддатга қадар тақдим этиш сўралган.

электрон қарори билан жавобгарнинг банклардаги барча ҳисоб варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.

масъулияти чекланган жамиятига юборилган электрон алоқа хатида, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Жавобгар томонидан ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига топширилмаганлиги [REDACTED] бошлиғи томонидан имзоланган аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Суд, ишни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, давлат божини тарафлардан ундирмасликни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси 1-қисми 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Юқорида баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 82, 259, 273, 111, Иқтисодий процессуал кодексининг 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

[REDACTED] аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] чиқиш қисми 2022 йил ноябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этгунга қадар тўхатиб қўйилсин.

[REDACTED] барча банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан аризачи [REDACTED] ҳисобига 33 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан устидан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.С.Юлдашев

